



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 11 сентябрь, № 178 (6361) Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Тошкент вилоятида "2015 — 2019 йилларда иқтисодий янада ислох қилиш, таркибий ўзгариш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзuida конференция-семинар бўлиб ўтди.

Тадбиркор ва фермерлар ҳуқуқи — давлат ҳимоясида

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат қилуви ва суд органлари вакиллари, вилоят шаҳар ва туманларидан келган тадбиркор ҳамда фермерлар иштирок этган тадбирда Президентимизнинг шу йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш механизми муҳофаза этилди.

сини модернизация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мақсадли дастурлар ижроси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, иқтисодий ислохотларнинг меърийд-ҳуқуқий базасини изчил такомиллаштириш орқали тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилди. Хусусий мулк ҳуқуқлари ва унинг ҳимояси мустақамланди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ қонуни, жумладан, янги тахрирдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Юқори аниқликда ишлайди

Яқинда "Анджонмаш" акциядорлик жамиятида плазма ёрдамида металл кесиш дастгоҳи ўрнатилган, бу ерда кўплай янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконияти юзага келди.

Таъкидлаш керакки, мазкур компьютерлаштирилган дастгоҳ 40 миллиметрча қалинликдаги пўлатни юқори аниқликда, исталган шаклда, қисқа муддатда кесиш қувватига эга. Ваҳолонки, шу пайтгача бундай юмушларни уddалаш учун камида икки ҳафта вақт сарфланар эди.

Айни пайтда корхона жамоаси иш жараёнини муттасил янгилашга интиломда. Натижада жорий йилнинг ўзида 20 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши баробарида, самарадорлик ҳам ортди.

Сандаҳмад ШУКУРОВ.

Харидорлар учун қулайлик

Ширин шаҳридаги "Ёруғ нур" масъулияти чекланган жамиятида кўрилган даромадининг асосий қисми ишлаб чиқариш ривожига йўналтирилмоқда.

Корхонада дастлаб иш компьютер столлари ясашдан бошланган бўлса, ҳозирги пайтда 30 дан зиёд турдаги мебель маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу ҳудуддаги муассаса ва ташкилотлар бинолари ҳамда аҳоли хонадонларини замонавий мебель жиҳозлари билан таъминлашда кўл келмоқда.

— Фаолиятимиз — кўп тармоқли, — дейди масъулияти чекланган жамият раҳбари Чингиз Қўнишбоев. — Масалан, хонадон ва

идораларни мебель билан тўлиқ жиҳозлаш баробарида, уларга замонавий эшик ҳамда дераза ромларини ҳам ўрнатиб берамиз. Бундан ташқари, мижозларга жалюзи пардалар етказиб бериш, пайвандалаш ишлари бўйича ҳам хизмат курсатаямиз.

Яна бир эътиборли жиҳати, айни пайтда корхона аҳли маҳсулотларни кредит асосида ҳам тақдим этаётган.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистон Президентининг Хитойга ташрифи яқунлари икки томонлама алоқалар тарихида янги саҳифани очади»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йил 2-3 сентябрь кунлари Хитой Халқ Республикасига буюрган ташрифи ХХР экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Шанхайда хитойлик айрим экспертлар ушбу воқеани кенгайтиришдаги аҳамияти юзасидан "Жаҳон" ахборот агентлигига ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Юй СИНХУЙ, Шанхай Ижтимоий фанлар академияси партия кўмитаси котиби:

— Стратегик шерик давлатлар бўлган Хитой ва Ўзбекистон турли соҳаларда самарали ҳамкорлик қилмоқда. Биз Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикасининг қўллаб-қувватлаганини қадрлаймиз. Пекин, ўз навбатида, расмий Тошкентнинг тинчликни сақлаш ва

мустақамлашга оид ташаббусларини маъқуллайди. Шу боис мамлакатининг Президентининг ташрифи яқунлари икки томонлама алоқалар тарихида янги саҳифа очишга ҳамда сиёсий, иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Хитойда Ўзбекистоннинг суверен ривожланиш йиллари давомида кўлга киритган муваффақиятлари, жумладан, бозор иқти-

содиёти асосларини барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни диққат билан кузатиб борилади. Шунингдек, республикангиз халқаро майдонда тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бормоқда. Ўзбек халқи Ислам Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни қўллаб-қувватлайди. Жорий йил март ойида бўлиб ўтган Президент сайловининг натижалари буни яққол тасдиқлаб турибди.

Умуман олганда, Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда юз йилликларга тенг бўлган йўлни босиб ўтди. У бугунги кунда замонавий, изчил ривожланиб бораётган давлат ҳисобланади. Академиямиз делегацияларининг мамлакатингизга сафарлари чоғида биз бунга амин бўлдим.

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ

инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва соғлом рақобат муҳити самарасида яққол намоён бўлмоқда



Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарида замонавий технологияларни изчил татбиқ этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, Президентимиз ташаббуси билан 2008 йилда ташкил этилган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида ўтган давр мобайнида 20 га яқин корхона фаолияти йўлга қўйилди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Айни пайтда мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган ушбу субъектларда илгор ускуналар ёрдамида маийш техникалар, мобил телефонлари, юқори кучлинига чидамли кабель маҳсулотлари, сув иситиш қозонлари, дори воситалари сингари ўнлаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Янги соноат корхоналарининг аксарияти Жанубий Корея, Хитой, АҚШ, Германия, Италия, Хиндистон, Сингапур, Бирлашган Араб Амириклари сингари давлатлар сармояси иштирокида ташкил этилган, — дейди Навоий вилояти ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси

бошлиғи Ўктам Исломов. — Улар ҳудудимиз иқтисодиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, "UzEraeCable" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида 100 нафарга яқин йигит-қизлар томонидан тайёрланаётган 39 турдаги автомобиль кабеллари халқаро стандартлар

талабларига тўлиқ жавоб беради. Бу маҳсулотларга талаб тобора ортаётгани туфайли жорий йилнинг ўтган даврида 57 минг 913 километр узунликда маҳсулот ишлаб чиқарилди. Дарвоқе, бу ерда ўтган йили Жанубий Кореядан 272 минг АҚШ доллари эвазига келтирилган технология асосида "Cobalt" русумли автомашиналар учун аккумулятор жугтлари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилган. Қўшма корхонада мавжуд асбоб-ускуналарнинг барчаси махсус дастурлаштирилган компьютер ёрдамида бошқарилади.

(Давоми 2-бетда).

11 СЕНТЯБРЬ — «МАРДЛИК» ОРДЕНИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН КУН

Тинчлик-осойишталик, хотиржамлик ҳукм сурган жойда эзгу ишлар ҳаммаша бардавомдир. Халқимиз бу ҳаётий ҳақиқатни истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, ҳамжихатлик, бағрикенглик, олижаноблик ва меҳр-оқибат каби инсоний туйғулар ҳар қачонгидан юксак чўққиларга кўтарилиб, осмонимиз мусаффолигини асраб-авайлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги бекиёс саъй-ҳаракатлар мисолида янада теранрок англаб етмоқда.

Фидойилик, ватанпарварлик ва садоқат эътирофи



Таъкидлаш жоизки, "Ўзбек модели" деб ном олган мустақил тараққиёт йўлимиз асосида эришаётган ютуқларимизда бугунги замон талаблари асосида шакллантирилган Куролли Кучларимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки армиямиз юртимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий ахилтигининг ишончли кафолатидир. Ўтган давр мобайнида армияни курол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш баробарида, соҳа вакиллари-нинг хизмат ва яшаш шароитини яхшилаш, ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда рағбатлантиришга доимий эътибор қара-

тилаётир. Чунончи, улар кейинги йилларда давлатимизнинг қўллаб юксак мукофотлари — орден ва медаллар билан тақдирланаётгани армиямиз куч-қудратини мустақамлашда муҳим аҳамият касб этаётган. Хусусан, "Мустақиллик", "Амир Темур", "Жалолиддин Манғуберди" орденлари, "Жасорат", "Содиқ хизматлари учун" каби медаллар давлатимизнинг муқофода қудратини юксалтиришга ҳисса қўшаётган ҳарбийларимиз меҳнатини қадрлаш, шу билан бирга, эл-юрт тақдирига дахлдор ҳисси билан яшайдиган, фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялашга хизмат қилаётир.

Президентимиз ташаббуси билан "Мардлик" орденининг таъсис этилиши ҳам бу борадаги ишларнинг мантқиқий давоми бўлди. Мазкур орден 1 микрон қалинликда олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Самарқандда "Фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ўрни: Ўзбекистон тажрибаси" мавзuida халқаро конференция ўтказилди.

Хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш

фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманда Америка Қўшма Штатлари, Италия, Германия, Хитой ва бошқа бир қатор давлатлардан экспертлар, шунингдек, мамлакатимиз парламенти аъзолари, вазирлик ҳамда идоралар, фуқаролик жамияти институтилари, халқаро жамоат ташкилотлари, ҳудудий хотин-қизлар кўмиталари раислари ва журналистлар қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласининг ҳал этилиши, чунончи, аёлларнинг жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, социал ҳамада иқтисодий соҳаларидаги иштирокини таъминлаш, давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтиларининг аёллар ҳамда оилалар манфаатларини қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги ижтимоий шериклигини рўёбга чиқариш, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини асраш, тадбиркорлик, оилавий бизнес ва уй меҳнатининг турли шакллари ривожлантириш каби йўналишларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, хори-

жий мамлакатлар аёллари ҳаракатининг бу борадаги тажрибалари атрофича муҳокама қилинди.

Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларида ноқотин-ташкилотларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаолигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, қиз болани замонавий касбунарга ўргатиш, уларни спортга кенг жалб этиш, соғлом оилани шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг ўзидан хотин-қизлар ҳаракатлари ва ташкилотлари ҳам миқдор, ҳам мазмун жиҳатидан тобора юксалиб бораётганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси мамлакатимиз хотин-қизларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, халқаро аёллар ҳаракати ҳамда бошқа нуфузли тузилмалар билан кенг ҳамкорлик қилиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1991 йилда ташкил толган мазкур ташкилот охириги йилларда халқаро майдонда ўз обрў-эътиборини кучайтирди. Айниқса, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони кўмита тизимининг яна бир босқич кўтарилишига асос бўлди.

(Давоми 2-бетда).

2015 йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатимизда таълим жараёни ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш мақсадида

737,7

миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.

Ушбу маблағлар янги таълим ва тиббиёт муассасалари биноларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун йўналтирилдики, пировардида бу ёш авлоднинг маънави етуқ, жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, одамларнинг узоқ ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашда мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилаётти.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон Президентининг Хитойга ташрифи якунлари икки томонлама алоқалар тарихида янги саҳифани очади»

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

ЯО СИМИН, Шанхай университети хузуридаги Ўзбекистон тадқиқотлари ва маърифий алмашувлар маркази директори:

— ХХР раиси бир неча маротаба таъкидлаганидек, жумладан, март ойда Ислам Каримов мамлакат Президенти этиб сайлангани муносабати билан йўлланган қутловномада ҳам қайд этганидек, Хитой ташқи сиёсатининг стратегиясида Ўзбекистон муҳим ўринни эгаллайди.

Юқори ва олий даражадаги ташрифлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Бу томонлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ўсувчанлигидан, халқро ва минтақавий аҳамиятга молик кўпгина ўта муҳим масалалар юзасидан нукта назарларнинг муштараклигидан, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар

ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича бирдек манфаатдорликнинг мавжуд эканлигидан далолат беради.

2013 йили олий ўқув юртимизда Ўзбекистон тадқиқотлари ва маърифий алмашувлар марказининг очилгани икки томонлама ҳамкорлик ривожига муҳим ҳисса қўшди. Бундан ташқари, биз юртингиз институт ҳамда университетлари билан ҳам ўзаро алоқаларни йўлга қўйдик.

Олий ўқув юртимиз ҳудудида буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳайкалини ўрнатish масаласини ҳал этиш ниҳоясига етмоқда.

Ян БО, Шанхай Халқаро тадқиқотлар университети хузуридаги Марказий Осиё тадқиқотлари маркази директори ўринбосари:

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги вазиятга ўта жиддий таъсир кўрсатади. Бу мамлакат Хитойнинг

минтақадаги муҳим шериги ҳисобланади. Томонлар бир-бирининг манфаатларини илгари суриш учун халқро майдонда сиёсий жиҳатдан бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашапти.

Иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда, Хитойнинг кўпгина компаниялари Ўзбекистон бозорига тобора фаол кириб бораётгани ҳолда, истиқболли лойиҳаларни ҳам ҳаётга таъбиқ этмоқда.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мазкур ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган дўстона муносабатларни янада чуқурлаштиришга кўмаклашади.

Цзян ФЭН, Шанхай Халқаро тадқиқотлар университети партия кўмитаси котиби:

— Яқинда республикангиз мустақиллигининг 24 йиллиги кенг

нишонланди. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ушбу кутлуг сана билан чин дилдан табриқлайман.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида Президент Ислам Каримов раҳбарлигидаги оқилона стратегия туфайли Ўзбекистон дунёнинг изчил ривожланиб бораётган давлатлари сафидан жой олди. Ўз тараққиёт моделига таянган ҳолда, республика ички сиёсий барқарорлиқни, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонлиқни таъминламоқда. Бу муваффақиятлар халқро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Хитой — Ўзбекистон дўстлиги барқарор мустаҳкамланиб бораётгани бизни қувонтиради. Ҳозирги пайтда бизнинг муносабатларимиз изчил ривожланиб бораётгани билан изоҳланади. Шанхай Халқаро тадқиқотлар университети бундан кейин ҳам мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг чуқурлашишига ўз ҳиссасини қўшишга тайёрдир.

«Жаҳон» АА. Шанхай

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Анжуманда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оила, оналик ҳамда болалиқни муҳофаза қилишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнлаб қонунлар, саксонга яқин Фармон ва қарорлар, давлат дастурлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Чунончи, Асосий Қонунимизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилгани уларнинг давлат ҳамда жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, юртимиз

қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, сиёсий партиялардан вакиллик органлари ҳамда парламент депутатлигига номзод кўрсатиш жараёнида хотин-қизлар учун 30 фоизли квота жорий этилди. Бунинг самарасида ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг 17 фоизи, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизи аёллардан иборатдир. Айни чоғда юзлаб аёллар халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашида фаол меҳнат қилмоқда. Уларнинг ушбу йўналишдаги вакиллиги, шубҳасиз, ижтимоий соҳалар,

этиланг Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва унинг соҳибалари, уларнинг бугунги кунда эришаётган ютуқларига эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, 2000 йилдан бери аъло хулки, зукколиги, ўқшадиги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодли намоён этаётган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларидаги ютуқлари учун бериб келинаётган мазкур мукофот соҳибалари айни чоғда 226 нафарга етди.

— Ўзбекистонда ёшлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлашга алоҳи-

Хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарт

равнаки йўлида бор салоҳият ва имкониятларини ишга солиб, меҳнат қилишлариغا шароит яратаяпти. Шу билан бирга, мамлакатимиз соҳага оид турли конвенция, битим ҳамда шартномаларга қўшилган.

Эътироф этилганидек, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ушбу йўналишдаги ислохотларни изчил давом эттиришда янги босқични бошлаб берди. Мазкур ҳужжатда хотин-қизларнинг аҳолини ижро ҳокимияти даражасида яхшилаш бўйича миллий механизм асослари яратилди, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ривожланиши бўйича давлат дастурларининг амалга оширилишига йўл очилди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари янги лавозимни жорий этилиб, унинг зиммасига хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада юксалтириш билан боғлиқ масалаларни бошқариш юк-

хотин-қизлар, оила, оналик ҳамда болалик муҳофазасига оид мукамал қонунлар қабул қилинишида долзарб аҳамият касб этади.

Шу ўринда турли тармоқ ва соҳаларда ҳам аёллар улуши ортиб бораётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, ишлаб чиқариш соҳасида 42,8 фоиз, қишлоқ хўжалигида 42,8 фоиз, таълим, маданият ва илм-фан соҳасида 72,9 фоиз, соғлиқни сақлаш тизимида 75,3 фоизни аёллар ташкил этмоқда. Узини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг 25 фоизи аёллардан иборат экани эса, шубҳасиз, уларга кўрсатилган юксак ишонч натижасидир.

Конференцияда Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш ва давлат томонидан молиявий кўмак бериш бўйича яратилган ўзига хос модель ҳамда унинг амалиёти қатор давлатлар ва халқро ташкилотларнинг эътиборини ўзига тортаётгани алоҳида эътироф этилди. Айниқса, аҳоли орасидаги ижтимоий масалаларни ҳал қилишда «учинчи сектор» вакилларининг ҳукумат ва давлат органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлиги ижобий самара бермоқда. Рақамларга кўра, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 2010 йилдан 456 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 540 га яқиндир. Улар, ўз навбатида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хотин-қизлар саломатлигини асраш, бандлигини таъминлаш, оилаларга соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган қўллаб-қўллаш ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни рўйбга қилишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июнидаги Фармони асосида таъсис

да эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди Шанхай аёллар федерацияси аёллар ишлари бўйича департаменти директори Гу Сью Жуан. — Бу, албатта, юртингиз равнаки учун куча муҳим. Айниқса, касб-ҳунар коллежларидаги қизларнинг хунар ўрганишлари учун яратилган шарт-шароитлар таҳдидига ҳамда ҳам муайян таъриб борадаги таърибаси мени ҳайратга солди.

— Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатини эришаётган ютуқлар ҳар қанча эътирофга сазовор, — дейди «Европа аёллари лоббиси» ташкилоти Италия бўлими бош котиби Мария Людовика Боттарелли. — Хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасида ҳам муайян таъриб борадаги таърибаси мени ҳайратга солди. — Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатини эришаётган ютуқлар ҳар қанча эътирофга сазовор, — дейди «Европа аёллари лоббиси» ташкилоти Италия бўлими бош котиби Мария Людовика Боттарелли. — Хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасида ҳам муайян таъриб борадаги таърибаси мени ҳайратга солди.

Анжуман доирасида хорижий экспертлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари билан учрашди. Улар, шунингдек, Самарқанд енгил саннат касб-ҳунар коллежида битирувчи қизлар бандлиги бўйича тузилган штаб фаолияти, Самарқанд шаҳридаги 21-умумтаълим мактабида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғраги, Чашма маҳалласидаги «Саломатлик» сектори фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Конференцияда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг бандлиги, меҳнат ҳамда таълим олиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, оналик ва болалиқни муҳофаза этиш, соғлом оилани шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилалар билан ишлашни кучайтириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва давлат ҳамда жамият қурилишида хотин-қизларнинг ўрнини янада мустаҳкамлаш каби бир қатор масалалар юзасидан зарур таққимлар билдирилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фидойилик, ватанпарварлик ва садоқат эътирофи

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Орденнинг баландлиги 50 миллиметр, эни 41 миллиметр, қалинлиги 4,5 миллиметр.

Орден нишони йиғма, унинг асоси тилла ранг нақшинкор парчинлари бўлган кўк эмаль хошияли шаклдор геральдик қалқон кўринишида бўлиб, унга қавариқ саккиз қирралли юлдуз бириктирилади. Юлдуз қирралари тарам-тарам бўлиб таралаётган заррин овалсимон нурлар кўринишида ишланган.

Саккиз қирралли юлдузга нақшинкор парчинлари бўлган, қавариқ, қадимий

услугада акс эттирилган думалоқ шарқона қалқон кўринишидаги диаметри 30 миллиметрли қоплама медальон бириктирилади. Қалқоннинг ҳар иккала ён томони ғалаба, шон-шухрат ва мукофот рамзи бўлган қавариқ, тилла рангли дафна япроқларидан гулчанbara кўринишида хошияланган.

Шарқона қалқондан юқорида мовий рангда эмалланган олтин халланган яримой ва юлдузли мусамман — Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг муқаддас рамзлари тасвирланган. Мусамман ёнларида саккиз

қирралли юлдуз фониди миллий ор-номус ва қадр-қиммат, она-юртни ҳимоя қилишга шайлик рамзи бўлган, ўзаро кўндаланг кесилган иккита қадимий шарқона қалқон эфеси (даста беламаги), қуйи томонда эса, уларнинг узун қайрили тигларининг учлари қавариқли тасвирланган.

Орден нишони композициясини Ватан ҳимоячисининг ҳаёт сарчашмаси ифодаси бўлган асосий рамзий белги — чор-атрофга таралаётган заррин кўёш нурлари акс этган оқ рангли эмаль фонидида қалқон маркази-

да жойлашган бўртма, кўкрақдан юқори қисмининг ярим ён томонлама олинган тасвири яқунлайди.

2012 йил 11 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, «Мардлик» ордени билан ўзини Ватанини ҳимоя қилишга ва она-юрт хизматига бағишлаган, мардлик ҳамда жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролари мукофотланади. Алоҳида ҳолларда «Мардлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

— Давлатимиз томонидан биз, ҳарбийларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маънавий шароитимизни яхшилашга ҳамisha устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Мардлик» ордени соҳиби, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оидий аскар Сардор Абдурахимов. — Бунинг учун Президентимиз, Қуролли Қучларимиз Олий Бош Қўмондонни Ислам Каримовга ҳарбий хизматчиларни рағбатлантиришга кўрсатаётган доимий эътибор учун чуқур миннатдорлик билдираман. Бундай беқиёс гамхўрлик, юксак ишонч зиммамизга янада катта масъулият юклайди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ.

Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2014 йил ҳамда 2015 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун ажратилган давлат субсидияси ҳамда давлат ижтимоий буюртмаси доирасидаги фаолияти юзасидан ҳисоб-китоблари тингланди.

● Миллий матбуот марказида мамлакатимизда ҳарбий мутахассисликлар бўйича ўтказилаётган кўрик-танловларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган анжуман ўтказилди.

● Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида «Чавандоз» савдо марказининг фойдаланишга топширилиши ҳудуд аҳолиси ва тадбиркорлар учун янада қулайлик яратди. 184 та савдо нуктасига эга ушбу замонавий мажмуада 165 киши иш билан таъминланди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши томонидан «Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» ширин остида ўтказилган акция баркамол авлоднинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ташаббус ва иштишларини қўллаб-қувватлаш, уларни турли зарарли фоя ва иллатлардан асрашга қаратилган билан аҳамиятли бўлди.

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган вилояти Чортоқ тумани кенгашининг ўқув спорт-техника клуби қошида янги ўқув маркази иш бошлади.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва соғлом рақобат муҳити самарасида яққол намоён бўлмоқда



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бу эса деталларни ишлаб чиқариш ва уларга ишлов беришда юқори аниқликка эришиш бора-бариди, унинг сифатини янада яхшилаш имконини яратаяпти. — Замонавий техноло-

гия нафақат маҳсулот сифатини ошириш, балки ривожланиш гарови ҳамдир, — дейди кўшма корхона бош директори Шерзод Умаров. — Айни шу омил туфайли, масалан, биз дастлаб Осиё минтақасидаги давлатлар ишбилармонлари

билан иқтисодий алоқа ўрнатган бўлсак, эндиликда улар сафига Италия, Польша, Германия, ҳатто бразилиялик ҳамкорлар ҳам қўшилди. Иқтисодиётда соғлом рақобат муҳити тобора шаклланаётган бугунги даврда ишлаб чиқариш-

га инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ишбилармон ютқазмайди. Шу маънода, биз келгусида электродвигатель, стартер ва генераторларда ишлатиладиган эмалланган симларни ва бошқа халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ҳам режалаштираёپмиз. Яқин кунларда Италиянинг «Sicme Italia Impianti» компанияси технологияларини ўрнатish ишлари якунига етказилгач, бу лойиҳамиз амалга ошади. Мухтасар айтганда, жадал суръатлар билан ривожланаётган мазкур корхонада махсулот тури ва сифати йилдан-йилга ошмоқда. Бунда ёш мутахассислардан иборат жамоанинг янгиликка интилиши, айниқса, муҳим омил бўлаётди.

Азамат ЗАРИПОВ. СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Хосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Тадбиркор ва фермерлар ҳуқуқи — давлат ҳимоясида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бундан ташқари, шаҳар ва туманларда ахборот-маслаҳат маркази, риэлторлик, бухгалтерия хужжатларини юритиш бўйича тадбиркорларга кўмаклашувчи корхоналар фаолияти тақомиллаштирилди. Адвокатлик бюролари, брокерлик идоралари, тижорат банкларининг филиалларию сурғурта компанияларининг бўлиналари мижозларга тез, қулай ва ишончли хизмат кўрсатмоқда. Сўнгги 4 йилда 167 рухсат бериш тартиб-таомили, лицензия бериладиган 19 турдаги фаолият, шунингдек, 65 турдаги статистика ва 6 турдаги солиқ ҳисоботи бекор қилинди, рухсат бериш хусусиятига эга хужжатларни расмийлашти-

риш учун йиғимлар ҳажми 2 баробар камайтирилди. Бу ишлар самарасида жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги таъминланди. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни ташкил этди. Саннат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2, кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,8, чакана савдо айланмаси 16,9, пуллик хизматлар кўрсатиш 11,9 фоиз ўсди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга эркинлик бериш ва ривожлантириш йўлида учраётган тўсиқларни олиб ташлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар туфай-

ли мазкур секторнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибиди улуши ўтган йилдаги 41,3 фоиздан 41,9 фоизга етди. Анжуманда вилоят прокурори Ж. Файзиев, давлат солиқ бошқармаси бошлиги Қ. Маматисев, адлия бошқармаси бошлиги Л. Мусашайёв ва бошқалар хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекиловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган ишларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди. «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хусусий мулк ва

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришда янги қабул қилинган қонунчилик нормаларининг ижросини амалиётда сўзсиз таъминлаш», «Хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартафоз этиш борасида давлат солиқ хизмати органларининг вазифалари», «Барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига «бир дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар

тўғрисида» мавзуларида маърузалар тингланди. — Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги Фармонида хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатидан тараққий эттириш учун зарур шарт-шароитни янада тақомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган, — дейди Зағириева туманидаги «Дентафил плюс» хусусий корхонаси директори Сардор Эшонбоев. — Мазкур конференцияда иштирок этиб, бошқа тадбиркор ва фермерлар фаолияти билан яқиндан танишган ҳолда, ҳаётга таъбиқ этилаётган бу каби хужжатлар ишбилармонлар сафи кенгайиши ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ортишида муҳим дастуриламал бўлаётганига гувоҳ бўлдим. Биз ISO 9001 серти-

фикати билан фаолият юритар эдик. GMP халқаро сертификатини кўлга киритдик. Иқтисодик тили билан айтганда, бу маҳсулот экспорти «географияси» кенгайишида жуда кўл келаётди. Утган йили Маҳалла-лаштириш дастури доирасида иккита йирик лойиҳани амалга оширдик. Натижада корхонага 20 миллион долларга яқин сармоя киритилди. Бу маблағлар, асосан, корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кучайтириш ва янгилаш орқали импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини оширишга йўналтирилди. Биз, тадбиркорларнинг шундай ютуқларга эришишимизда давлатимиз раҳбари томонидан яратилган кенг шароитлар муҳим омил бўлмоқда. Конференция-семинарда Тошкент вилояти ҳокими А. Усмонов сўзга чиқди.

Б. ҲИДОЯТОВ, ЎЗА мухбири.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўзининг 2015 йил учун мўлжалланган кредит сўғатига мувофиқ, фаолиятида кўплаб янгиликларни жорий қилаётди. Банк кредитлари замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжудларни модернизациялаш, транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилма тармоқларини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришда муҳим манба бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, банк кредит портфелининг асосий қисми, яъни 96 фоизи узоқ муддатли кредитлардан ташкил топган бўлиб, улар транспорт ва алоқа, ёнилғи-энергетика, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва қурилиш материаллари, кимё ва нефть кимёси сановати каби иқтисодиётнинг етакчи соҳаларига йўналтирилган. Айтилик, 175,0 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ажра-

Молиявий инфратузилма институтларини ривожлантириш, янги хизматларни амалиётга таъбиқ этиш, мавжудларини эса янада такомиллаштириш мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Натижада кўрсатилган молиявий хизматлар тури ортиб, кўлами тобора кенгайиб бораёпти.

Тараққиётга йўналтирилган сармоялар

тилган бўлса, 961 млрд. сўмлик кредитлар инвестициявий лойиҳалар ижроси учун берилди.

— Кичик бизнесни ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири, — дейди ТИФ Миллий банкнинг Кредит департаменти Кредит портфелини режалаштириш ва таҳлил қилиш бўлими бошлиги Озоджон Сағдиев. — Бу ишбилармонларнинг ўрта синфини шакллантириш орқали ички бозорни сифатли товар ва хизматлар билан тўлдирди, янги иш жойлари барпо этиш каби эзгу мақсадлар рўёбда муҳим ўрин тутмоқда. Шу боис «Ўзмиллибанк» нафақат ўз маблаглари ҳисобидан, балки республика бюджетдан ташқари фондларининг, шунингдек, хорижий банк ва молиявий ташкилотларнинг кредит линиялари ҳисобидан истиқбол-

нологияларни жалб қилишга сарфланаёпти. Хусусан, Президентимизнинг тегишли қарорлари асосида, озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга мўлжалланган лойиҳалар ижроси учун 314,0 млрд. сўмлик кредит ажратилди.

Ўз навбатида, ёш оилаларнинг моддий-маиший шароитини яхшилаш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаётгани йўқ. Тақдим қилинган 10,0 млрд. сўмлик ипотека кредитлари эвазига мустақил ҳаётга қадам қўйган кўплаб ёшлар шахсий уй-жойларига эга бўлишгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

«Ўзмиллибанк» қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган тураржойларни молиялаштиришда ҳам фаол иштирок этаёпти. Ҳозирги кунда хорижий банкларнинг қайта молиялаштирилган манбалари ҳисобидан умумий ҳажми 4,34 млрд. АҚШ долларилек 95 та инвестициявий лойиҳа, шу жумладан, умумий қиймати 400,0 млн. АҚШ долларилек 4 та лизинг шартномаси бўйича хизмат кўрсатилмоқда.

Кўриниб турибдики, банк жамоаси юртимизнинг шаҳару қишлоқларини ободонлаштириш, иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида барча имкониятларни сафарбар қилган ҳолда, янги, қулай ва тезкор молиявий хизматларни тақлиф этаётди. Бу эса унинг молиявий хизматлар бозоридagi мавқеини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги иштирокини янада фаоллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Миллий банк матбуот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга тақлиф этади. Сиз савдолардаги мавжуд давлатга тегишли ҳамда

юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: (0-371) 228-80-26.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ
Тошкент минтақавий филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларга тақлиф этади.

* Аукцион савдосига Пискент тумани СИБ томонидан ФИБ Ўрта Чирчиқ туманларо сўдининг 2015 йил 7 апрелдаги 2085-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Душаев Элёр» ДХга тегишли, Тошкент вилояти, Пискент тумани, «Х. Қодирова» ФХ, «Қориз» ҚФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 202,2 кв.м. бўлган молхона ва болохона биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.

* Аукцион савдосига Бўстонлик тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти Қибрай туманларо сўдининг 2012 йил 19 мартдаги 1-49/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Нанай» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, ер майдони 326 кв.м., 3 та яшаш хонасидан иборат бўлган дала-ҳовли қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 56 571 000 сўм.

* Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманларо сўдининг 2014 йил 10 сентябрдаги 1-4676/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ranadi» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Шуралисой» ҚФЙ, Марказ маҳалласида жойлашган, умумий майдони 0,8365 гектардан иборат идора ва маданият саройи биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 500 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 14 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2015 йил 12 октябрь куни соат 16.00.

* Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан

Тошкент вилояти хўжалик сўдининг 2014 йил 29 сентябрдаги 11-1434/9419-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Назарбеквотўйл» корхонасига тегишли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Улуғбек кўчаси, 166-уйда жойлашган, ер майдони 2614,60 кв.м. бўлган, 0002-литердаги техник оғбор, 0013-литердаги оғборхона биноси, 0005-литердаги ТБ оғбори тақдоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 819 902 612 сўм.

* Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик сўдининг 2015 йил 18 майдаги 11-1535/4623-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Калган агро инвест» ФХга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Гулбахор» ШФЙ, Самарқанд кўчаси, 19-уйнинг биринчи қаватида жойлашган, умумий майдони 1285,32 кв.м., ишлаб чиқариш майдони 1037,77 кв.м. бўлган, 0001-литердаги дўкон биноси тақдоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 350 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 29 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2015 йил 28 сентябрь куни соат 16.00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Koc'hmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800040920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамил кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz, rieltsavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ
Қорақалпоғистон Республикаси
Бош филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик сўдининг 2012 йил 20 ноябрдаги 23-1207/12971-сонли, 2013 йил 20 мартдаги 23-1303/1519-сонли ва 2014 йил 11 августдаги 23-1404/6069-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Мўйноқ тумани, Анкивёз кўчаси, 70-уйда жойлашган, умумий майдони 861,0 кв.м. бўлган, 2 қаватли, «Гулсара» маиший хизмат кўрсатиш уйи биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 347 044 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 16 октябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2015 йил 14 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Koc'hmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ
Тошкент минтақавий филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

1. Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент вилояти Чирчиқ туманларо сўдининг 2012 йил 29 октябрдаги 1-3953/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Тинчлик» ҚФЙ, Зерде кўчасида жойлашган, фойдаланиш майдони 307,78 кв.м. бўлган 21-уй қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик сўдининг 2015 йил 10 августдаги 11-1535/71176-сонли ижро варақаси ҳамда 2015 йил 12 августдаги 8707/15-ижро ишига асосан хатланган, «Angren-Pack» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Охангарон тумани, «Уввак» ҚФЙ, Гулбоғ аҳоли пункти ҳудудида жойлашган, ер майдони 66,4436 гектар, ишлаб чиқариш майдони 9225,49 кв.м. бўлган

0001-литердаги лаборатория-муҳандислик биноси ва 0002-литердаги маъмурий маиший бино-иншоотлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 482 156 250 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 13 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2015 йил 9 октябрь куни соат 16.00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Koc'hmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800040920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамил кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz, rieltsavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.

«NEW ESTATE ACTION» MЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан қуйдаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти Бекобод шаҳар жиноят ишлари бўйича сўдининг 2015 йил 19 июндаги 1-77-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Маданият кўчаси, 9-«А» уй, 1-хонадон манзили бўйича тўрт қаватли бинонинг биринчи қаватида жойлашган, умумий майдони 249,67 кв.м., қурилиш майдони 191,3 кв.м. бўлган нотуражой.

Бошланғич баҳоси — 171 584 000 сўм.

2. Тошкент вилояти хўжалик сўдининг 2015 йил 5 июндаги 11-1535/5092-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 68-уй манзили бўйича жойлашган, умумий майдони 178,09 кв.м., 0001-литердаги кафе биноси — 103,69 кв.м., 0002-литердаги дўкон биноси — 34,08 кв.м., 0003-литердаги ошхона биноси — 40,32 кв.м. бўлган кўчмас мулклар.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.

«REALTOR GARANT BUSINESS» MЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2009 йил 7 апрелдаги 11-0810/24478-сонли ижро варақаси ҳамда 2015 йил 29 июлдаги 6422/6-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Янги ҳаёт кўрғонида жойлашган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 479 170 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан

16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ТИФ МБ Учтепа филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050001, МФО: 00918, СТИР: 207125885.

Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел.: (+99893) 379-91-04, (+99890) 975-97-69. Ички телефон: 258.

Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» MЧЖ

очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 20 октябрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйдаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Данғара тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти сўдининг 2015 йил 24 апрелдаги 2-17/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, «Найманча» ҚФЙ, Янги-1 қишлоғида жойлашган, ер майдони 1734,19 кв.м., қурилиш ости майдони 360,68 кв.м., фойдаланиш майдони 193,70 кв.м. бўлган, 0001-0008-литерлардаги 125-сонли ҳовли-жой.

Бошланғич баҳоси — 161 827 000 сўм.

2. Риштон тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик сўдининг 2015 йил 1 майдаги 15-1508/9696-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Риштон тумани, «Зоҳидон» ШФЙ, Зоҳидон қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 352,23 кв.м., фойдаланиш майдони 142,35 кв.м. бўлган, 0001-0003-литерлардаги марказий ошхонанинг бир қисми.

Бошланғич баҳоси — 22 541 539 сўм.

3. Риштон тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик сўдининг 2011 йил 2 мартдаги 10-1121/195-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Риштон тумани, «Ейилма» ҚФЙ, «Навбахор» МФЙда жойлашган, ер майдони 1484 кв.м., қурилиш ости майдони 65,0 кв.м., фойдаланиш майдони 99,58 кв.м. бўлган, 0001-0002-литерлардаги ёзги кино майдони биноси.

Бошланғич баҳоси — 149 970 421 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 16 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2015 йил 5 октябрь куни соат 14.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйдаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда тақдоран қўйилмоқда:

1. Қўқон шаҳар СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманларо сўдининг 2012 йил 5 ноябрдаги 74566-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Истиклол кўчаси, 80-«А» уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 627,54 кв.м., фойдаланиш майдони 224,88 кв.м. бўлган, 0001, 0001а, 0002, 0012, 0017, 0018-литерлардаги даволаш масканининг бир қисми.

Бошланғич баҳоси — 160 164 363 сўм.

2. Бувайда тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик сўдининг 2014 йил 2 майдаги 15-14-08/6311-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Чинобод» ШФЙ, Ойдинқўл қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 191,17 кв.м., фойдаланиш майдони

152,33 кв.м. бўлган, 0001-0003-литерлардаги эҳтиёт қисмлар сақлаш оғбори ва қурилиши тугалланмаган сауна бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 35 886 229 сўм.

3. Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик сўдининг 2015 йил 7 апрелдаги 15-1507/3031-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон тумани, «Ражабгарди» ҚФЙ, Жумабой қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 380,91 кв.м., фойдаланиш майдони 319,62 кв.м. бўлган, 0001-0006-литерлардаги тош майдалаш заводи бино-иншоотлари ҳамда 6 турдаги усуналар (ҚДМ-1200 консулли майдалагич (дробилка), трансформатор 250 кВт, БРУ қоршиғирч (мешалка), козловый кран, вибростол, аниқ электр пайвандлаш аппарати) мулккий мажмуа сифатида.

Бошланғич баҳоси — 557 605 060 сўм.

4. Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар сўдининг 2014 йил 30 январдаги 1-29/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Баҳор кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 543,46 кв.м., фойдаланиш майдони 464,38 кв.м. бўлган новвойхона ва сомсахона («Чинор» чойхонаси).

Бошланғич баҳоси — 287 165 138 сўм.

5. Бешариқ тумани СИБ томонидан ФИБ Ўзбекистон туманларо сўдининг 2013 йил 6 сентябрдаги 1886/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бешариқ тумани, «Рапқон» ҚФЙ, «Янги Рапқон» МФЙ, Рапқон қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 216 кв.м., фойдаланиш майдони 175,50 кв.м. бўлган, 0001-литердаги умумий овқатланиш шохобчаси.

Бошланғич баҳоси — 45 560 764 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 2 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбизнес» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғиной кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази, 2-қават, 20-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.

Хизматлар лицензияланган.

